



**Тошкент давлат стоматология  
институту  
Болалар юз-жағ жарроҳлиги  
кафедраси**

**Мавзу: Болаларга юз-жағ  
жарроҳлиги ёрдамини ташкил  
қилиш. Стоматологик ёрдамга  
муҳтож болаларни текшириш  
асослари.**

**Маърузачи: профессор Якубов Рахим Камилевич**

**Маъруза режаси :**

- 1. Болаларга “ Юз-жағ жаррохлиги” йўналишида тиббий ёрдам кўрсатишни тартиби.**
- 2. Амбулатор ва стационар бўлимларни тизими ва фаолиятини бошқаруви.**
- 3. Ихтисослашган амбулатор ва стационар бўлимларни тузилиши.**
- 4.Стоматологик(юз-жағ жаррохлиги йўналишида) ёрдамга мухтож болаларни текшириш асослари.**

## **Болаларга “ Юз-жағ жаррохлиги” йўналишида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш.**

**Маърузани мақсади:** Ўзбекистон аҳолисига юз-жағ патологияси бўлган болаларга юқори технологияларга асосланган малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш.

### **Вазифалари:**

- 1)Юз-жағ жаррохлиги патологияси бор беморларга юқори технологияларга асосланган малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби.
- 2)Режали беморларга режа асосида юқори технологияларга асосланган малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш
- 3)Юз-жағ соҳасида махсус техника ва мураккаб тиббий технологиялардан фойдаланиб юқори технологияли ихтисослаштирилган текширув ва диагностика тадбирларини ўтказиш

## Умумий қоидалар

1) Ўзбекистон аҳолисига “Юз жағ жаррохлиги” йўналишида тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

2) Юз-жағ жаррохлиги йўналишида тиббий ёрдам қуйидаги шаклларда бўлади:

- бирламчи ихтисослашган тиббий ёрдам амбулатор ва кундузги стационар шароитида

- ихтисослашган, жумладан юқори технологияли тиббий ёрдам.

- шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан тиббий муассасадан ташқари тез тиббий ёрдам кўрсатиш

Бошланғич соғлиқни сақлаш хизмати амбулатория ва кундузги касалхонада кўрсатилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- дастлабки тиббий ёрдам;

- бирламчи тиббий-санитария ёрдами;

- бирламчи ихтисослашган тиббий ёрдам.

**Дастлабки тиббий ёрдамни** тез ёрдам машинасидаги шифокор, шахар ва қишлоқдаги оилавий поликлиникаларнинг умумий стоматологи ва жаррохи таъминлайди. Беморга тезкор ёрдам кўрсатиб ҳудуд юз-жағ жаррохлиги шифохонасига йулланма билан юборилади. Режали беморларни бирламчи текширувдан (умумий қон тахлили) ўтказиб режали равишда ихтисослашган шифохоналарга юборади.

**Бирламчи тиббий ёрдам** ҳудуд стоматология поликлиникалари жаррох стоматологи томонидан амалга оширилади. Худудий стоматология поликлиникаларида юз-жағ жаррохи бўлмаганлиги сабабли оғиз бўшлиғидаги ва атрфидаги тезкор ихтисослашган кичик хажмдаги бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилади Умумий стационарда тиббий ёрдам олмаслик учун кўрсатма мавжуд бўлса, шифокор -педиатр (махаллий), шифокор -терапевт (махаллий), умумий (оилавий) шифокор, болалар шифокор –стоматологи, умумий шифокор стоматолог, шифокор жаррох -стоматолог-хирург беморни Бошланғич ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни кўрсатиш учун тиббий муассасага йўналтирилади.

**Бошланғич ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни** юз-жағ жаррохи томонидан олиб борилади. Ихтисослашган ёрдам юз-жағ жаррохлиги амбулатор кабинетида ва юз-жағ жаррохлиги шифохонасида (стационарда) олиб борилади.

**Бирламчи тез ихтисослашган ёрдам** юз-жағ жаррохи томонидан фавқулодда тиббий чоралар зарур беморларга, жумладан фавқулода ҳолатларда тиббий ёрдам чиқиш бригадалар, ташкил этилган тез ёрдам мобил жамоалар таркибида шошилиш ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади. Беморни манфаати учун ва махсус ихтисослашган ёрдам зарурияти булса беморни авиация ва йўл траспорти ёрдамида эвакуация қилишга тавсия беради. Оғир беморни умумий ҳолатини ҳисобга олиб аввал реанимация ва нейрохирургия ва бошқа (қўшма патология ҳолатларида) бўлимларга ўтказиш ва ҳаёт-тахдид шароитлар бартараф этилгач сўнг бемор ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун болалар ёки юз-жағ жаррохлиги бўлимига ўтказиш тавсия этилади.

Махсус техника ва мураккаб тиббий технологиялар фойдаланиш талаб қиладиган **юқори технологияли ихтисослаштирилган** ёрдам ҳудуд юз-жағ жаррохлиги шифохоналарида (бўлимларида) ўтказилади. Йўлдош ва ҳамроҳ касалликлари бўлса беморни шикоятлари ва объектив кўрсаткичларга асосланган ҳолда тор доирадаги мутахассис болалар-шифокорлари даволаш тадбирларига жалб этилади (юзага келган ўткир соматик касалликларида келишилган ҳолатда бошқа бўлимга даволанишга

**Режали ихтисослашган ёрдам** мунтазам равишда беморни хаётига хавф бўлмаганда ва шошилиш ёрдам зарурияти бўлмаганда олиб борилади.

Юз-жағ соҳасида бирламчи кўрикда **хавфли ўсмаларнинг белгилари аниқланса** тиббий ёрдам ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Шифохонада даволаниб чиқан беморларнинг реабилитация учун кўрсатмалар бор бўлса клиник кузатиш умумий стоматолог, жаррох стоматолог, ортодонт даво зарур бўлса ортодонт мутахассиси томонидан олиб борилади.

**Юз-жағ йирингли-яллиғланиш касалликларида ва жаррохатларида** бирламчи ёрдам тез ёрдам шифокори, поликлиника шароитида умумий стоматолог ва жаррох- стоматолог томонидан амалга оширилади. Беморга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун юз-жағ жаррохлик шифохонасига (бўлими) юборилади. Шифохонада даволаниб чиқан беморларнинг реабилитация учун кўрсатмалар бор бўлса клиник кузатиш умумий стоматолог, жаррох стоматолог, ортодонт мутахассиси томонидан олиб борилади.

Юз-жағ сохаси туғма ва ортирилган аномалиялари ва хавфсиз ўсмалар махсус техника ва мураккаб тиббий технологиялар фойдаланиш талаб қиладиган юқори технологияли ихтисослаштирилган ёрдам худуд юз-жағ жаррохлиги шифохоналарида (бўлимларида) ўтказилади. Шифохонада даволаниб чиқан беморларнинг реабилитацияси умумий стоматолог, жаррох стоматолог, ортодонт (зарур бўлса тор доирадаги) мутахассислар томонидан олиб борилади.



## **Тизим ва фаолиятни бошқариш**

1) Қорақалпоқистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида юз-жағ жаррохлиги бўлими болалар ва катталар кўп тармоқли шифохоналар таркибида ёки алоҳида ихтисослашган стоматология ва юз-жағ жаррохлиги марказида шифохона шаклида фаолият юритади.

2) Юз-жағ жаррохлиги шифохоналар (бўлимлар) мавжуд бўлган жойида кечаси 15:00 дан эрталаб 8:00 навбатчилик шошилинич юз-жағ жаррохлиги хонаси ташкил этилсин ва бу хона кундузи 8:00дан 15:00 гача бирламчи кўрик хонаси сифатида аҳолига хизмат кўрсатсин. Юз-жағ жаррохи хонасида 24 соат тиббий фаолиятни ташкил қилинади.

3) Юз-жағ жаррохлиги шифохоналар (бўлимлар) тиббий муассасада 24 соат ишлайдиган бўлинмалар мавжуд бўлганда ташкил этилади:

- Клиник ва диагностика лабораторияси (экспресс диагностика);
- ултратовуш текшируви ва рентгенологик текширувлар, шу жумладан радиация диагностикаси бўлими;
- операцион блок (операция хонаси);
- Анестезиология бўлими - реанимация.

Юз-жағ жаррохлиги шифохоналар (бўлимлар) таркибида оғир беморларга интенсив даво тадбирлар ўтказиш учун 2та палата ва санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ эпидемик ҳолатдаги беморларни назарга олиб изоляция хоналари тавсия этилади.

4) Болаларга шошилиш ёрдам ва режали функционал бузилишларни бартараф этувчи ёрдам бепул амалга оширилади. Бошқа режали жумладан пластик ва косметологик жаррохлик амалиёти пуллик амалга оширилади.

5) Катталарга шошилиш ёрдам бепул амалга оширилади (ётоқ ўринидан ташқари). Режали жаррохлик ҳамда пластик ва косметологик жаррохлик амалиётлари пуллик амалга оширилади.

## **Молиялаштирилиши**

Юз-жағ жарроҳлиги шифоналар (бўлимлар) молиялаштирилиши тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ беморларга: болаларга шошилиш ёрдам ва имтиёзли қатламдаги беморларга ёрдам бюджетдан ва хўжаллик хизматидан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

## **Ҳисоб ва ҳисобот юритилиши**

Юз-жағ жарроҳлиги шифоналар (бўлимлар) ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Статистика бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

## **Якуний қоидалар**

1. Юз-жағ жаррохлиги шифохоналар (бўлимлар) маъмурият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ички меҳнат тартиб-қоидаларини белгилайди.
2. Юз-жағ жаррохлиги шифохоналар (бўлимлар) иш вақти вақти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Меҳнат вазирлигининг ва Адлия вазирлигининг норматив хужатлар асосида белгиланади.
3. Юз-жағ жаррохлиги шифохоналар (бўлимлар) рахбари худуд даволаш кенгаши аъзоси бўлиши керак.
4. Юз-жағ жаррохлиги шифохоналар (бўлимлар) аниқ ташкилий ва даволаш-профилактика тадбирлари кўзда тутилган режалар асосида фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган стоматологик хизмат, шу жумладан жарроҳлик стоматология хизмати янгидан шаклланиб бормоқда. Республикада ўтказилаётган тиббиётдаги ислоҳотлар натижасида икки йуналиш шаклланди: **бири шошилинч тиббий ёрдам ва иккинчиси эса ихтисослашган тиббий ёрдам.** Республикада ислоҳотлар натижасида кенг тармокли шошилинч тиббий ёрдам тизими ташкил қилинди.

Тошкент шаҳрида Республика шошилинч тиббий ёрдам Маркази , вилоятларда унинг филиаллари ташкил қилинди. Тез ёрдам шифохоналари таркибида жарроҳ стоматологлар штатга киритилган, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўринлар ажратилган. Бу муассасаларда тез ёрдамга муҳтож беморларга юз-жағ суяк ва юмшок тўқималар жароҳатлари, яллиғланиш касалликлари билан мурожаат қилган беморларга юқори малакали ёрдам кўрсатилади.

Тошкент шаҳрида ихтисослашган жарроҳлик стоматология ёрдами уч касалхонада: ТМА клиникасида, 7 шаҳар клиник касалхонаси ва шаҳар тез тиббий ёрдам касалхонасида ташкил қилинган бўлимларида кўрсатилади. Бу бўлимларда юз-жағ жарроҳлик ёрдамига муҳтож беморларга режали ва тез ёрдам кўрсатилади.

**Юз-жағ жарроҳлик бўлимлари тузилиши** барча жарроҳлик бўлимларидагидек операция - боғлам блоки, палаталар ва ёрдамчи хоналардан ( шифокорлар хоналари, овқатланиш хонаси, моддий неъматлар хонаси, гигиёник хоналар ва бошкалардан) ташқил топади. Жарроҳлик стоматология ёрдами хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўшимча хоналар ажратилади. Огиз ирригацияси учун, ортопед стоматолог учун, тиш-техник лаборатория хонаси ва эҳтиждан келиб чиққан ҳолда бошка хоналар мавжуд.

Катта бўлимларда (50 ўриндан кўп) юз-жағ соҳасида ўтказиладиган катта тиклаш операцияларининг ўтказилиши ва бир вақтда бўлимда яллиғланиш касалликлари бўлганини эътиборга олинса, иккита операция ва иккита боғлам хоналари ташқил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Операция хонаси битта бўлса, дастлаб йирингсиз (тоза) беморлар кейин, йирингли беморлар операция қилинади. Бундай вазиятда операция ва боғлам хоналарида тозаликка эътибор берилиши, кимёвий ва физик (бактериоцид лампалар) ишлов берилиши тақозо этилади . Боғлам хонасида операцион столдан ташқари стоматологик курси бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

. Стоматологик поликлиникалар шифокорлар сонига қараб бўлинади. Тоифалик поликлиникалардан катта таркибда 40 дан ортик шифокор бирлиги бўлган корхона, 1-тоифали поликлиникада 31-40, 2 тоифали поликлиникада 26-30, 3 тоифали поликлиникада 21-25, 4 тоифали 16-20 ва 5 тоифали 11-15 стоматолог шифокор ишлашига мўлжалланган поликлиникалар тоифаси ажратилади. 2-5 тоифали поликлиникалар таркибида жарроҳлик хонаси ташкил қилиниб, у камида уч хонадан иборат бўлади. Иккита операция хонаси: бирида операцион стол, иккинчисида стоматологик курси ўрнатилади.

Катта (I тоифали) ва ундан катта стоматологик поликлиникаларда жарроҳлик бўлими очилади. Бўлим таркибида 5 хона бўлади. Шу жумладан операция хонаси - бир операция столи (кресло)кўйилса, хона сатҳи камида 23м<sup>2</sup> ва ҳар бир қўшимча столга (креслога) яна 7м<sup>2</sup>, яна кутиш хонаси, операция олди хонаси, стерилизация хонаси, операциядан чиққан беморлар дам олиш хонаси ташкил қилинади.

**Жарроҳлик бўлими** хоналари девори (операцияга кириш олди хонаси, боғлам хонаси) текис, силлик бўлиши, камида 1,8м-2 баландликда кафель терилган, операция хона девори шифтгача кафель ёки пластик билан қопланган бўлиши шарт. Пол ҳамма хоналарда линолеум ёки керамик плиткалар билан копланеди.

Ҳамма хоналар шифти сув-эмульсияли, елимли ёки мойбуёқлар билан оқланган бўлиши шарт. Эшик, ойналар эмаль ёки мойбуёқлар билан копланнлиши, деворлар ва эшик ойналари намлаб артишга чидамли бўлиши керак. Хоналарга албатта совук ва иссиқ сув марказлашган иситиш тармогига уланиши ва хоналар иситилиши лозим. Хоналар мажбурий вентиляция килиниши, ойналарда дарчалар бўлиши лозим.



## **Поликлиникада жарроҳлик стоматология бўлими (кабинет)ни жихозлаш.**

Беморни кабул қилиш учун жарроҳлик стоматология бўлими (кабинети) да стоматологик кресло, соя бермайдиган лампалар, асбоблар учун стол, темир винтда айланувчи стуллар, бормашина, бектериоцид ва ультраби-нафша лампалар, асбоблардан пинцетларнинг ҳар хили шпателлар, тиш олиш учун омбурлар ва элеваторлар комплекта, кесиш асбоблари-скальпель, кайчилар, ажраткичлар, (распатор) қирувчи қошиқчалар, сканалар, болга (тиббий), суяк кесувчи ўткир жағли омбурлар, қон тўхтатувчи қисқичлар, тилни сиқиб ушловчи қисқичлар, огиз очқич омбурлар, алюмин симдан шина яшаш учун асбоблар, трахеотомик найчалар бўлиши керак. Жарроҳ стоматолог иш либосида олди ёпик халат, докали ниқоб, боши берк, (қалпоқча билан) ҳимояловчи кўзойнак тақиши, қўлига қўлқоп кийиши керак.

## **Жарроҳлик стоматологик бўлимда (кабинетда) ишни ташкил қилиш.**

Эрталабдан ҳамшира хонани иш ҳолатига тайёрлиги-санитар ҳолатни назорат қилиб чиқади ва иккита стерил столни тайёрлайди. Биринчиси асбоблар учун, иккинчиси боғлам материаллар учун. Катта стол бўлса ярмига асбобларни, ярмига боғлам материалларни жойлаштириш мумкин.

Поликлиника шароитида беморларга кўрсатиладиган жарроҳлик муолажалар ҳажми шундай бўлиши керакки, бемор ўзи ёки ёнидаги ҳамроҳ ёрдамида уйга етиб бора оладиган бўлиши керак. Поликлиникада кичик операциялардан ташқари стационар бўлимга ётқазиладиган беморлар текширилади ва операцияга таёрланади.

Стационардан чиқарилган беморлар охиригача даволанади. Диспансер гуруҳларга киритилган беморлар кузатилади, ҳар бир шифокор маҳсус шаклдаги кундалик иш ҳисоботини тўлдириб боради.

**“Юз-жағ жарроҳлиги ” йўналиши бўйича болаларга кечаю-кундуз тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш юз- жағ жарроҳлиги бўлими бўлган тиббий ташкилотларда ёки шаҳарларнинг шошилинч ёрдам касалхоналарида ташкил этилади. Вилоят ва республика марказлари, шаҳарларда "юз-жағ жарроҳлиги" соҳасида тезкор ва шошилинч тиббий ёрдамни кун давомида соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа таъсис этувчи тайшкилотининг соғлиқни сақлашни бошқариш органининг қарори билан ташкил этиш мумкин.**

Тиббий ходимларнинг " жағ-жағ жарроҳлиги " соҳасидаги болаларга шошилинч ва шошилинч ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш бўйича ишлари сменали жадвалга мувофиқ кун бўйи амалга оширилади.

**Меҳнатнинг мажбурий шарти** - яшаш жойидан (рўйхатдан ўтишидан) ва ишидан қатъи назар, " юз-жағ жарроҳлиги " соҳасидаги ёрдамга мухтож барча фуқароларга тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш .

" Юз-жағ жарроҳлиги " йўналиши бўйича тезкор ва шошилиш махсус тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббий кўрсатмалар деб қуйидаги шартлар ҳисобланади:

•Юз-жағ соҳасининг яллиғланиш касалликлари:

- ҳар хил этиологияли ва локализацияли юз-жағ соҳаси абсцесслари ва флегмонаси;

- ороантрал оқма йўли ҳосил бўлиши билан кечувчи одонтоген синуситни хуружи ;

- юзнинг фурункул ва хўппози;

- турли хил этиология ва локализацияли сурункали остеомиелитининг ўткир ва хуруж ҳолати ;

- жағнинг яллиғланиш касалликлари ва шикастланишларини даволашда юзага келадиган асоратлар (қон кетиши: алвеолит , суяк, юмшоқ тўқималардан қон кетиш ; тиш олиш даврида тортиб олинган тишнинг илдизи юкори жағ бушлиғига ( синусига ) кириб бориши;

## *Юз-жағ жароҳатлари:*

- пастки жағнинг чиқиши: ўткир ва одатий;
- тишларнинг чиқиши: тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган, қоқиб н, тишларнинг синиши, юқори ва пастки жағларнинг алвеоляр ўсиғининг синиши жағнинг алвеоляр қисми;
- юқори ва пастки жағларнинг синиши;
- ёноқ-кўз комплекси суякларининг синиши;
- бурун суякларининг синиши;
- ҳар хил этиологиядаги жағнинг юзаси юмшоқ ва суяк тўқималарининг шикастланиши;
- ҳар хил локализацияли ва этиологияли жағнинг юзаси тўқималаридаги бегона жисмлар;
- жағ соҳасининг қўшма ва комбинирланган шикастланиши.

*Сулак безларининг яллиғланиш касалликлари ва шикастланиши.*

# Карбункул



- " Юз-жағ жарроҳлиги " соҳасида зарур тезкор ва шошилич ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг, касалхонага ётқизишга муҳтож бўлмаган болалар кейинги кузатув ва даволаниш учун жарроҳга, юз-жағ жарроҳига, умумий стоматологга, шифокорга юборилади. болалар терапевт - стоматологи, стоматолог-жарроҳ яшаш жойидаги тиббий муассасага тегишли тиббий ҳужжат ва беморни кейинги даволаш ва кузатиш бўйича тавсиялар билан.
- " Юз-жағ жарроҳлиги " соҳасидаги болаларга шошилич ва шошилич ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббий ходимлар бухгалтерия ҳисобини юритадилар ва тиббий ҳужжатларни тақдим этадилар, белгиланган тартибда фаолият тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар, юритиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган регистрлар учун маълумотларни тўплашади.

- Стоматологик касалликларни тўғри ташхислаш - юқори малакали даво кўрсатиш учун муҳим босқичдир.

Ташхислашни асосий принципи – беморни стоматологик саломатлигини тўлиқ баҳолашдир (фақат кариес, периодонт касаллиги , оғиз шиллик қавати ва бошқа алохида касалликларга эътибор бермасдан.)

- Беморни “ тана бу ягона бутлик” принципида синчиклаб текшириш тўғри ташхислаш ва самарали даволашга ёрдам беради. Диагностик усуллар юқори даражада аниқ, маълумотга бой репрезентатив, қайта такрорланиш имконига эга булиши керак
- Стоматологик касаллик билан касалланган беморларни аниқ босқисма босқич , тизимларга риоя қилган холда утказилади.





# Стоматологик беморни текшириш



Асосийлари  
сўров, кўрик,  
осмотр,  
зондлаш,  
перкуссия,  
пальпация.




Қушимча–, Ташхислаш  
учун махсус  
аппаратлардан  
фоцдаланган холда  
(рентген, МРТ, МСКТ,  
ЭОД, ЭЭГ, УЗИ "),  
клиник –лаборатор  
усуллар қон. пешоб  
анализлари ,  
(биокимёвий  
микробиологик,  
цитологик,  
иммунологик, ва  
бошқлар).

# Сўров( анамнез йиғиш)

Беморни текшириш суров ёрдамида шикоятлар ва анамнезни йиғишдан бошланади:

1. *Эрта болалик даврида (чақалокликдан бугунгача кечирган касалликлари*
  2. *Аллергологик анамнез.*
  3. *Бошдан кечирган умумий касалликлар ва уларни диагнозлари*
  4. *Хавф ва оғирлашувига сабабчи омилларни ( ота онаси томондан чекиш, наркомания туғма касалликларга мойилликни)*
- ◎ *Махсус анамнез – беморни юз-жаў соҳасидаги шикоятлар ва касалликни ривожланиши*



- **Стоматологик (жарроҳлик) ёрдамга муҳтож беморларни текшириш асослари**

Жарроҳлик муолажасига муҳтож стоматологик беморлар тиббиётда қабўл қилинган анъанавий усулда текширувдан ўтказилади. **Бу сўров ва курик-**( шикоятларни сўраш, касаллик ривожланиш тарихи, ҳаёт даврида кечирган касалликлар).

*Дастлаб - бемор уни ота-онаси ёки хамроҳ бўлиб келган билан суҳбат* ўтказиб касаликка оид маълумотлар тўпланади. Бу жуда масъулиятли иш. Шифокор биринчи саволидаёқ бемор ишончини қозонишга ҳаракат қилиши зарур. Хушмуомалалик билан, касаллик билан боғлиқ шикоятларни аниқлаш керак. Шу билан бирга куриқни ўтказиб умумий ва маҳаллий ҳолатини баҳоберилади. Шикоятлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиши билан айримларининг аҳамияти бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шифокор аҳамиятли бўлганини ажрата олиши керак.

Кўпчилик беморларнинг шикояти оғриққа бўлади. Аниқлаш керак - оғриқнинг бошланиши нимага боғлиқ, кучи қандай, кайтарилувчанми, таркалувчанми, тез-тез хуруж бериб туради. Жағнинг ҳаракатига боғлиқми, йўқми?

- Бир гурух беморлар огиз очилишининг чегараланишига, ютиниш кийинлигига, холсизликка, терлашга, тана ҳароратининг кўтарилишига шикоят қиладилар. Бундай шикоятлар яллигланиш касалликларига кўпроқ хос бўлади. Агарда бемор оғиз куришига шикоят килса бу сўлак безларининг касаллигига, ёки канд касаллиги белгиси бўлиши мумкин.

Бемор юзининг шакли ўзгаришига шикоят килса, унга сабабини аниқлаш учун йўналтирилган саволлар бериб, қачондан бери буҳолатни сезгани, нимага боғлиқлигини сўраш зарур.

Баъзан бемор ўзи шикоятларини айтиб бера олмайди (масалан ёш бола). Шундай ҳолда болани ота-онасидан, ҳамроҳ бўлиб келганларидан сўраш керак бўлади.

## Стоматологик ҳолатни аниқлаш

- ◎ Стоматологик текширув экстраорал ва интраорал куриқдан иборат .
- **Экстраорал кўрик** Юзни шакли , шиш, қизариш ва бошқа патологик белгиларни аниқлаш, лимфатугунларни пальпацияси, асаб толаларни чиқиш нуқталарини, чайнов мускулларни , ЧПЖБ ни пальпациясидан. Шифокор мейёрий ҳолат ва белгиларни патологикдан фарқлашни билиши шарт. Бунинг учун у юқори ва пастки жағ сохаларини чап ва ўнг томонларни тенглаштирган ҳолда текшириши керак.

Ташқи кўринишга баҳо бергандан сўнг огиз бушлиги аъзолари **кўрикдан** ўтказилади. Бунинг учун шпатель, стоматологик кўзгу, стоматологик пинцет ва бурчак шаклидаги зонд ишлатилади. Алоҳида эътибор огиз очилишига берилади, очаётганда огриқ борми, катта очиладими ёки чегараланганми. Огиз очилиши чекланган бўлса чакка-пастки жаг бўғими фаолиятига аҳамият бериш керак. Бўғим бошчасини экскурсияси иккала томонда баробарлигига, қирсиллаш ёки оғриқ борлигига, лунж ва лабларни суриб огиз ўтув бурмаси ҳолатига, огиз шиллик кавати ҳолатига баҳо берилади. Тишлар ҳолати, атрофидаги парадонт ҳолати, тил ости ва жаг тил тарновчаси ҳолатига, юмшок ва қаттиқ танглай тузилишига эътибор берилади.



# Интраорал текширув


*1 Лаблар ва оғиз шиллиқ қаватларини ранги ва рельефига визуал баҳо беришдан, бутлигини бузилганлиги ва патологик элементларни аниқлашдан бошланади.*

Курик табиий ёриқликда анатомик зоналарни текшириш билан ўтказилади.

- Тишлар тож қисмини
- *Лаблар ва шиллиқ ;*
- Оғиз бўшлиғи, дахлизи.
- Лунжларни чап ва ўнг томони
- ◎ Юмшоқ ва қаттиқ танглайни ;
- ◎ Тилни бели, танаси таги ва тубини;
- ◎ Ажралаётган сўлак ни миқдори, суюқлигини, тишларни карашлиги ,
- ◎ Кариоз кавакларни мавжудлиги
- ◎ Милкларни, сўлак безларини чиқиш йўлалрини ҳолати




# Сўлак бези касалланган беморни ва оғиз бўшлиғини фотосурати





# Сиалоденоскопни кўриниши



**Figure 13-5**

A, Sialoendoscopic exploration unit (1.3 mm with irrigation port). B, Nahlieli Sialoendoscope system. (Karl Storz, Germany.)

Жағ ості сулак безини иулига кириш жоини  
эндоскопик кўриниши ва олинган сулак тошини  
тасвири




Figure 13-6

# Тишларни ҳолатини текшириш :

Тишларни қимирлаш даражасини А.И. Евдокимов усули бўйича аниқлаш

I-чи даража қимирлаш– тиш вестибуляр йуналишда 1 мм га ёнидаги тишнинг тожи томонга,

II-чи даража қимирлаш– медиал йўналишда 1 мм дан кўпроқ қимирлаш,,

III-чиривертикал йўналишдаги қимирлаш қўшилади

Тишловни ҳолати

- ◎ Узлы травматик окклюзияни нуқталари;
- ◎ Тишларни патологк миграцияси;
- ◎ Йўқотилган тишларни сони ва сабабини

# Клиник тестлар

- Тишларни ва милк чўнтакларини зондлаш
- перкуссия (горизонтал ва вертикал)
- пальпация
- қимирлашни аниқлаш
- механический тест (накусывание на твердый предмет)
- Оқма йўлларни зондлаш



**Пайпаслаш** - бу услубда юз териси, юмшоқ тўқималар ва суякнинг ҳолатига баҳо берилади. Терини ушлаб унинг зичлиги, чўзилувчанлиги, остидаги мушак ва суякларга ёпишганлигини аниқлаш мумкин. Юзда чандиқлар бўлса уларни пайпаслаганда қанчалик чуқур, тагидаги тўқималар билан ёпишганлигини аниқлаш мумкин. Пайпаслаганда юмшоқ тўқималардан ҳосил бўлган ўсма, ёки катталашган сўлак беzi, ёки лимфатик тугун аниқланиши мумкин. Пайпаслаб яллигланиш жараёнининг катта-кичиклиги, тўқима каттиқлашгани, ёки юмшаш аломатлари (флюктуация - билқиллаш) аниқланади.

Ташҳис кўйишда юз-жағ ва бўйин соҳасида лимфатик тугунларга эътибор берилади. Уларни катталашиши яллигланиш жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин. Катталашган, зич лимфатик безлар ҳавфли ўсманинг метастазаси бўлиб чиқишини унутмаслик керак. Бу белги ўсма касаллиги даврини аниқлаш имконини бериши мумкин.

**Пальпация** - юза ва чуқур ,оғиз ичи ва ташқари усулларга бўлинади..

# Қулоқ олди сўлак безини пайпастлаш





# Дигностика усуллари



**Лаборатор текширув усуллари  
юз-жағ сохаси касаллиги билан  
асталанган хамма беморларга ўтказилади**

## *Клиник-лаборатор усуллар:*

- Шикоятларни урганиш , касаллик ва хает анамнезини йигиш
- Конда: глюкоза АлАТ, АсАТ ферментларини фаоллигини, гемостаз жараенини текшириш, тимол пробаси, темир, кальций, аорганик фосфор, билирубинни , умумий оксил микдорини аниклаш .
- Пешобда: зичлиги, тиниклиги, хужайра таркиби, тузлар, оксил, канд борлиги, бир суткада оксалат ва фосфатларни экскрециясини аниклаш,
- скрининг кимевий текширувларини утказиш
- Копрография



# Функционал усуллар


- Окклюдозограммани урганиш
- Чайнов мускулларининг электромиографияси
- Ички аъзоларнинг ултратовуш текшируви
- Реоэнцефалография
- Электроэнцефалография
- Нур диагностикаси (ортопантомография, зонография, электрорентгенография, ретгенденситометрия рентгенография, МРТ, КТ, МСКТ)

## Электроодонтометрия (ЭОМ)

- **Электроодонтодиагностика-бу** усул тиш ичидаги ва илдиз атрофидаги тўкималарни, нерв толаларининг сезувчанлик ҳолатини аниқлаш учун ишлатилади. Бу услубда тиш пульпаси ҳолатини, яллигланиш жароҳат, ўсма ва бошқа касалликда аниқлаш мумкин.
- ◎ Фойдаланадиган аппаратлар: ЭОМ-1 (Россия); PULPOTESTER PT-1 (Литва); Digitest (США).


## Жаррохлик стоматологияда қўлланадиган рентгенологик усуллар

- Яқин фокуслик контактрентгенография ( дентал снимкалар);
- Ортопантомография;
- С.Х. Юсупов бўйича рентгенография
- Томография
- Панорам рентгенография
- Сиалография
- Рентгеноскопия
- Компьютер томография
- Радиовизеография







- **Рентгенологик текширувлар** жарроҳлик стоматологик касалликларда тишлар атрофидаги тўқималарга баҳо бериш, суякдаги ўзгаришлар, емирилиш, синиш, ўсмаларни аниқлаш учун ишлатилади. Юкори жағ бўшлиги ҳолати, тубининг тишларга муносабатини билиш, бегона жисмларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Сўлак йўлидан контраст модда йодолипол юбориб сўлак безлари ҳолатини, яллигланиш шакли ёки ўсма касаллигини аниқлаш мумкин. Сўлак беzi ёки сўлак йўлларида тош борлигини аниқлаш мумкин: контраст моддани оқма йўлга юбориб унинг йўналиши, тугаган жойи аниқланади.






### Figure 13-3

Sialography using a constant fluoroscopy technique under general anesthesia demonstrating the ductal system of the right parotid gland of a 7-year-old child with recurrent acute parotitis. Note presence of a stricture in the middle of Stensen's duct (*arrow*) and multiple sialectasis (*arrowheads*).




Варианты сиалодохитов главных и внутрижелезистых выводных протоков околоушных желез (а, б, в, г, д, е).




**Figure 10-24**

A, Odontoma associated with an impacted maxillary right third molar. B, At operation, the alveolus was considerably expanded. C, Specimen consisting of an impacted third molar (*arrow*) and attached odontoma.





Пастки жағ одонтоген  
остеомиелитининг  
динамикадаги рентген  
тасвирлари



# Пастки жағи синган болани фотосурати ва МСКТ тасвири



- **Компьютер томография** ўта сезгир текширув усули. Бу усулда маълум, кесимда нафакат суяк, балки юмшоқ тўкимадан ҳосил бўлган ўсма унинг чегараси, қобиги ва ички тузилишини кўриш мумкин. Айниқса бу усулда юз ва жағ суяклари жароҳатларини ўта аниқлик билан ташҳислаш, мушаклар ҳолатини аниқлаш, динамик текширувда суякдаги репаратив остеогенез кечишини кузатиш мумкин. Шунинг билан бирга суяк тузилмаларида кечаётган минералланишни сон ва сифат ўзгаришларни, суяк усти пардаси ҳолатини баҳолаш учун ишлатилади. Бу усул айниқса юз ва жағ суякларида реқонструктив операцияни режалаштиришда катта ёрдам беради.

# Ультратовуш усулида текшириш



ULTRASOUND DEPARTMENT OF THE FTMI UZBEKISTAN.

23-07-97  
11:14:24

ID:  
MANSUROV  
B. 10Y



FOCUS:  
1234 B



HIST-BOX  
+T: 2809  
L: 14  
M: 33  
XT: 2809  
L: 18  
M: 32

SIN

DEX



HISTOGRAM F 3.5 G53 PW100  
1 EXIT 2 CLEAR

HIST-B HIST-T  
4 5

- **Магнито-резонанс томография** - янги текшириш усуллардан бири асосида доимий магнит майдонида радиотўлқинли импульсларни водород ядросидан электромагнит тебранишларни ҳисоблаб, уни мониторга тасвир қилиб беришга асосланган. Компьютер томографиядан афзаллиги юкори даражада аниқлик билан юмшок тўкималарни бир неча хил кесимда томограф қисмларини ва беморни силжитмаган ҳолда кўрсата олиш. Афзалликлардан яна бири бу усулда ионланган нурланиш йўклигидир.

# Лаборатор диагностика

- Цитология
- Гистология
- Бактериологик
- Иммунологик
- Аллергологик



**Морфологик ташҳислаш.** Патологик жараённи (гиперпластикяллигланиш, ёки ўсма) одий усулларда аниқлаш қийин бўлади. Шундай ҳолатларда патологик жараёндаги тўқима ёки унинг ҳосилалариморфологик текширилади. Текширишнинг икки хил усули бор: цитологик ва гистологик.

**Цитологик текширув** анча осон ва поликлиника шароитида тез амалга ошириладиган усул. Бунда сўлак, пунктат ёкисўлак, пунктат ёки суртма ойнага туширилиб микроскопия қилинади, хужайралар туркими ва улардаги ўзгаришларга қараб патологик жараёнга нисбатан хулоса қилинади. Хужайра элементлари ва уларни конгломератларини структуравий хусусиятларини урганишга асосланиб юз-жағ жаррохлигида ва стоматологияда яллиғланиш, усмалардаги деструктив жароёнларни ташҳислаш ва кечувини динамикасини кузатишга йўналтирилган.



Гистологик текширувлар ўтказиш учун патологик жараён ва атрофидаги соғ **тўқима диагностик биопсияга олинади** ва 10-20% формалин эритмасига иложи борича тезроқ солинади ва лабораторияга жўнатилади. Бу текширувда патологик жараён тўқималар туркими ва улардаги сифат ўзгаришлардан хулоса қилинади. Биопсияга олинган тўқима шу заҳотиёк бўялмаган холда кўрилиб хулоса чиқарилса - **экспресс биопсия** деб аталади, 2-3 кун ичида тайёрланиб хулоса қилинса **цитобиопсия**, агарда олинган тўқима катор маҳсус бўёкларга тайёрланиб кесилиб бўялса, **у оддий биопсия** ҳисобланади ва камида 10 кун ичида тайёр бўлади.

- Биопсия ҳажмига қараб бўлинади: очик (патологик жараён соғ тўқима чегарасидан кесиб олинади), кеигайтирилган (патологик жараён хаммаси олинади) пункциои маҳсус ичи кенг игна ўсмага киритилади ва игна оралиғи тўқима билан суғурилиб олинади ва гистологик текширув қилинади.
- Пункцион биопсияни хосила ва яллиғланиш жараёнини ажратиш мақсадида бажариалди, айниқса чуқр жойлашган лимфатугун ва сўлак безларини таққослашда
- **Трепанобиопсия** суяк ва тоғай туқисмаларини текширишда қўлланилади.
- Барча жаррохлик усули бтлан кесиб олинган тўқималар гистологик текширилиши зарур ..



- **Микробиологик** текширувлар-яра ажралмалари, бўшлиқларнинг ювинди-лари, кон ва сўртамалар касаллик қўзгатувчиси ва унинг антибиотикларга бўлган сезувчанлигини аниқлаш имконини беради.
- **Иммунологик** текширувлар-кайталанувчи, узоқ чўзилувчи ва тузалиши суст кечаётган яллигланиш ва дистрофик касалликларда организмнинг каршилиқ ҳолатини аниқлаш мақсадида кон ва сўлакда Т.В лимфоцитлар ва иммуноглобулинлар аниқланади ва **иммун** тизимга баҳо берилади.

- Microbiology of Pediatric Facial Infections
- **Gram-Positive Aerobic Facultative Species**
- *Staphylococcus aureus*
- *S. epidermidis*
- *Streptococcus pneumoniae*
- *Streptococcus pyogenes* (β-Hemolytic streptococcus)
- Groups A, B, and F *Streptococcus* sp.
- α-Hemolytic streptococcus (*Streptococcus viridans*)
- *Streptococcus milleri*
- *Ataxia* sp.
- *Corynebacterium diphtheriae*
- **Gram-Negative Aerobic Facultative Species**
- *Pseudomonas aeruginosa*
- *Enterobacter* sp.
- *Escherichia coli*
- *Klebsiella pneumoniae*
- *Moraxella catarrhalis*

- **Gram-Positive Anaerobic Species**

- *Peptostreptococcus* sp.
- *Peptococcus* sp.
- *Bifidobacteria* sp .
- *Actinomyces* sp.
- *Propionimicrobium* sp.
- *Clostridia* sp.
- *Eubacterium* sp.

- **Gram-Negative Aerobic/Facultative Species**

- *Haemophilus influenzae*
- *f-l. parainfluenzae*
- *Eikenella corrodens*

- **Gram-Negative Anaerobic/Facultative Species**

- *Bacteroides* sp.
- *Prevotella melaninogenica* (formerly *Bacteroides melaninogenicus*)
- *Porphyromonas* sp.
- *Pasteurella multocida*
- *Veillonella* sp.

## Аллергологик усуллар

- Дори аллергияси ташхислаш мураккаб вазифа хисобланади , Хамма специфик аллергологик касалликларни текшириш усуллари **аллергологик анализ, аллергологик проба ва лаборатор аллергодиагностикага** ажратилади.



Эътиборингиз учун рахмат!